Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 31 (10.027). ● 1991 йил 13 февраль ● чоршанба ● Баҳоси 6 тийин.

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАТЛАР • ХАБАРЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 7 февралда бўлиб ўтган мажлисини оча туриб, Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзоларининг, совет ва хўжалик идоралари раҳбарларининг эътиборини ҳал этилмаган муаммолар ва фойдаланилмаган резервларга, халқ хўжалиги ишини барқарорлаштиришни таъминлашга доир иқтисодий ёндашувларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш масалаларига, келгусидаги бозор шароитида жумҳурият аҳолисининг энг муҳим ва долзарб эҳтиёжлари рўёбга чиқарилиши учун барча бўғиндаги раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга қаратди.

Бултур оғир йил бўлди. Шундай бўлсада, мамлакат иқтисодиётидаги оғир аҳволга, хўжалик алоқалари яхши мувофиқлаштирилмаганлигига ва ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетганлигига қарамай, жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларини соғломлаштиришга доир аниқ-равшан тадбирлар амалга оширилганлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини муайян даражада ўстиришга ва бирмунча барқарорликка эришишга имкон берди.

Ишлаб чиқарилган миллий даромад ҳажми 1989 йилга нисбатан 3,4 фоиз, саноат маҳсулоти 1,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 4,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 6,5 фоиз кўпайди. Ижтимоий маданий соҳани ривожлантиришга сарфланган сармоянинг ялпи салмоғи ўсди. Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларига биноан аҳолининг долзарб ижтимоий эҳтиёжларига ва халқ хўжалиги тармоқларига жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардан қўшимча равишда салкам 460 миллион сўм сарфланди. Кўп болали оналарга қўшимча ҳақ, энг кам пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар, интернат-уйларда овқатланишга ажратиладиган маблағлар оширилди. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан кафолатли тарзда таъминлашга оид ишлар фаол олиб борилмоқда. Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ва якка тартибда уй-жойлар қуришни кенгайтириш мақсадида қарийб 1,5 миллион оилага жами 183 минг гектар ер участкаси ажратилди.

Ана шундай ижобий силжишларга эришилди. Шу билан бир қаторда жумҳурият ҳукуматининг режа кўрсаткичлари қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларгагина асосий эътибор берилган аввалги йиллардаги мажлисларидан фарқ қилиб, бу гал иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволи, камчиликлар ва нуқсонларнинг сабаблари жиддий ва талабчанлик билан таҳлил этилди, муайян раҳбарларнинг ва энг аввало комплекслар ишининг пировард натижалари учун жавобгар бўлган Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосарларининг масъулияти кучайтирилди.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиб бораётганлиги сезилди, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома интизоми сусайди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш комплекс дастури топшириқлари тўла бажарилмади. Ўзбекистон ССР енгил саноат вазири А. С. Икромовга нисбатан қатъий талаб қўйилди. Тармоқда 25 та корхона ишлаб чиқариш суръатларини пасайтириб юборди. 188 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси бажарилмади, одамлар учун энг зарур буюмлар ишлаб чиқаришда катта қолоқликка йўл қўйилди. Барқарор ишлаши ва аҳолининг халқ истеъмол молларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлаши лозим бўлган тармоқда айни шундай бўлди.

Ана шу муаммоларни ҳал этишда нима учун ташаббус, омилкорлик ва иқтисодий ёндошувлар кўрсатилмаяпти? Мажлисда вазирликлар, идоралар ва ижроия комитетларнинг раҳбарларига тез-тез ана шундай савол берилди. Афсуски, уларнинг айримлари ишни пухта таҳлил этиш ва амалий таклифлар ўрнига анъанавий равишда материаллар, ускуналар ва бошқа ресурслар марказлаштирилган тарзда етказиб берилмаганлигини баҳона қилиб кўрсатдилар. Тўғри, шундай бўлган. Бироқ бозорга ўтишнинг ҳозирги шарт-шароитлари янги-янги ёндашувларни қидириб топиш ғоят зарурлигини тақозо этмоқда. Жумҳуриятимизда эса улар мавжуд.

(Давоми иккинчи бетда).

## 1991 йил — Алишер Навоий йили

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ФАХРИ

ПОЙТАХТИМИЗнинг Киров ноҳиясидаги 274-мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда мактаб жамоаси билан бир қаторда «Оқтепа» маҳалласининг фаоллари ва бир гуруҳ адабиётшунос олимлар иштирок этдилар.

—Алишер Навоий Шарқ халқлари, айниқса, туркий халқларнинг фахри ҳисобланади,— деди Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар илмгоҳининг илмий ходими, филология фанлари номзоди Фозила Сулаймонова.— У ўзининг адабий мероси билан жаҳон адабиётининг Данте, Шекспир ва Бальзак сингари йирик намояндалари қаторида туради. Алишер Навоийнинг ҳар бир девонида 600—650 тадан ғазал бўлиб, ижодкор бу асарларида кишиларни меҳр-шафқатли, раҳмдил, мард, жасур ватанпарвар ва садоқатли бўлишга даъват этади.

Жумҳуриятимизда узоқ йиллар давомида Навоийни атеист, яъни худосиз қилиб кўрсатишга бемаъни уринишлар бўлди. Аммо биз улуғ шоир ва мутафаккир ижодини ўз даври нуқтаи назаридан ўрганишимиз, Навоийни яхшироқ тушуниш учун ислом ва тасаввуф фалсафасидан чуқур хабардор бўлишимиз лозим.

Шундан сўнг олима Навоий тириклик пайтида ҳиротлик машҳур қилқалам ҳаттот Султонали Машҳадий томонидан 1465—1466 йилларда китобат қилинган «Илк девони»нинг қизиқарли тақдири, унинг асл нусхаси ҳозир Ленинград давлат халқ кутубхонасида сақланаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиётшунослик илмгоҳининг аспиранти Валижон Қодиров ва шу илмгоҳнинг илмий ходими, «Эски ўзбек ёзуви» китобининг муаллифи Раҳимбой Жуманиёзов Навоий ижодидан чинакамига баҳраманд бўлиш учун араб ва форс тилларидан ҳам хабардор бўлиш лозимлигини таъкидлашди, шоир ғазалларидан ифодали ўқиб беришди. Шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, Алишер Навоий номидаги жумҳурият Адабиёт музейининг раҳбари Баҳодир Валиев мактаб жамоасига Навоийнинг «Илк девони» ва Бобурнинг аруз назариясига оид «Мухтасар» асарини тақдим этди.

Мактаб ҳаваскорлари Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ва рақслардан, «Алишер Навоий» драмасидан саҳналар кўрсатишиб, навоийхонлик кечасига ўзига хос жозиба бахш этдилар.

Р. ҚУДРАТОВ.









● СУРАТЛАРДА: 274-мактабда ўтказилган навоийхонликдан лавҳалар.

Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.

## УРУШНИ ТЎХТАТИШ КЕРАК

Улуғ Ватан уруши бошланганида мен 11 ёшда эдим. Ўша пайтдаги қийинчиликлар ёш бўлсам-да, фикримда муҳрланиб қолган. Қишлоқ аҳолиси очликдан нон қидириб бўз ерларга кетиб, қишлоқлар кимсасиз, ҳувиллаб қолар эди. Чунки ўша пайтда Мирзачўлга бориб, ўша ерда пахта эккан одамларга ун ва қорамол бериларди.

Бутун уруш давомида вилоятдаги колхоз ва совхозларга экилган қанд лавлаги кишиларнинг асосий озиқ-овқати бўлиб ҳисобланарди. Нон етишмаслиги сабабли қанд лавлагининг ҳам бозори чаққон эди.

Бир воқеа ҳали ҳам ёдимдан чиқмайди. Марҳум онам бир тоғора қанд лавлаги пишириб, уни сотиб келиш учун мени Октябрь бозорига юборди. Бозорга бориб тоғорани ерга қўйишим билан қаердандир бегона болалар пайдо бўлиб тоғорадаги лавлагига чанг солдилар ва кўз олдимда уни еб тугатдилар.

Мен хафа ҳолда уйга қайтдим. Онам раҳматлик ҳам қаттиқ ранжиди. Фақат отам бизга далда бердилар: «Қўяверинглар, ўшалар очликдан шундай қилишга мажбур бўлишган, сен, ўғлим, улар учун савобли иш қилибсан. Урушнинг номи ўчсин, болам, ўрмонга ўт кетса ҳўлу-қуруқ баравар ёнар экан. Русми, ўзбекми — инсон боласи бўлгандан кейин савобли иш қилиш керак».

Бу воқеани шунча йилдан кейин эслашимга сабаб яна уруш бўлди. Форс кўрфазида бошланган жанглар қаҳримни келтирди. Ахир, бойликни кетидан қувиш учун ҳукуматлар ўз фуқароларини ажал оловига ташлаяптилар-ку! Агар Кувайтда нефть конлари ўрнига яйловзор бўлганида шундай бўлармиди! Йўқ! Ҳамма гап ана шу «қора олтин»да.

Шукурким, бизнинг диёримизда тинчлик. Лекин биз хотиржам бўлишимиз керак эмас. Курраи заминимизнинг бошқа ерида қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилмоқда. Мен ҳаётий тажрибага эга инсон бўлганим учун мурожаат этаман. Уруш тўхташи керак. АҚШ Форс кўрфазидан, Ироқ Кувайтдан, Исроил эса Ливандан чиқиб кетиши лозим. Барибир бошқа юртнинг қарғаб берган нони қорин тўйғазмайди.

Т. САФАРОВ,
пенсионер ўқитувчи.

## ТИНЧЛИККА НЕ ЕТСИН

ҲОЗИР жаҳон афкор оммасининг бутун диққат-эътибори Форс кўрфазидаги воқеаларга қаратилган бўлса, мамлакатимиз халқини Болтиқбўйи жумҳуриятлари хусусан, Литвадаги воқеалар ташвишлантирмоқда. Зеро, бу ердаги нотинчлик умумий ватанимиз — СССР ҳудудида рўй бераётир.

Мен сиёсатчи эмасман, демоқчиманки, Литва воқеаларини шарҳламоқчи ёки унга баҳо бермоқчи эмасман. Лекин бир нарсани таъкидламоқчиман. Назаримда ҳозир бизга белгиланган режаларимизни амалга оширмоқ учун тинчлик, осойишталик, хотиржамлик, босиқлик, келишиб ҳаракат қилиш жуда зарур.

Тарихдан маълумки, ортиқча бақириш, чақириш, шовқин-сурон, ур-тўполон ҳеч қачон яхшилик олиб келган эмас. Энг ачинарлиси, бундан халқ азият чекади. Қолаверса, ҳар қандай зиддиятли масалани қонунлар асосида, музокаралар йўли билан ҳал қилса бўлади. Мен умумий уйимизда ана шундай йўл тутилишини истар эдим.

С. АИТУБОЕВ,
Калинин ноҳиясидаги Ўзгариш қишлоқ шўроси ижроия қўмитасининг раиси.

## ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

АНГРЕН шаҳридаги картон идишлар комбинати қошида ишлаб турган иссиқхона корхона ишчиларининг сабзавот ва кўкат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда асқотяпти. Иссиқхонанинг Ж. Ойхўжаев бошлиқ бригадаси аъзолари 1990 йилда помидор, пиёз, редиска ва ҳар хил кўкатлардан мўл ҳосил олдилар. Экинларни парваришлашда Ф. Сайдазова, Н. Неъматуллаева, С. Оппоқхўжаева, А. Жўраевалар жонбозлик кўрсатишди.

Шу кунларда иссиқхонага кирсангиз қилинаётган ишларни кўриб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Укроп, редиска, петрушка барқ уриб ўсяпти. Помидор, бодринг кўчатлари бўлиқ, бир текис. Комбинат жонкуярлари иссиқхонада лимон ва гул етиштиришни ҳам унутмаганлар. 1990 йилда ўтказилган лимон кўчатларининг парвариши яхши олиб бориляпти. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми ишчиларга тарқатиляпти.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

## НАВОИЙХОНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда жумҳуриятимизда А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Яқинда Ангрен шаҳрида Тошкент вилоят давлат педагогика олийгоҳида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтининг етакчи мутахассислари, филология фанлари доктори Б. Саримсоқов, филология фанлари номзодлари Е. Исоқов ва А. Жабборовлар А. Навоийнинг ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, ижоди ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Олийгоҳ талабалари Б. Нораллиев, Б. Тожиев, О. Эшонхонова, Д. Аббосова, А. Пиримқуловлар Алишер Навоийнинг рубоийлари ва чистонларидан намуналар ўқидилар. Ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари эса шоир ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни куйлашди.

Ҳ. НИЗОМХОНОВ.

## ЗАМОНАМИЗ АРДОҚЛАЙДИ

Янгийўл ноҳиясидаги «Интернационал» жамоа хўжалиги клубида ҳам колхозчилар, 47- ва 48-ўрта мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида «Замонамиз ардоқлайди улуғ шоирни» мавзусида суҳбат, адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда кеча иштирокчилари шоир ғазалларидан намуналар ўқишдан ташқари «Навоийнинг ёшлиги», асаридан Язд чўлидаги карвонсаройда Шарафиддин ал-Яздий билан учрашув саҳналаридан кўринишлар намойиш қилишди. Навоий ролини 47-ўрта мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси С. Турсунов ижро этди. Саҳна асарлари қаҳрамонлари образини яхши талқин этган ўқувчиларга мактаблар педагогик кенгашлари номидан ташаккур билдирилди.

Х. ЮНУСОВ.

## УЙ ТЎЙЛАРИ

ЎТГАН йили Олмалиқ шаҳрида ҳар қачонгидан ҳам кўп уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Йиллик давлат режаси 6,2 фоиз ошириб адо этилди. Марказлашган давлат капитал маблағлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига ўнларча минг квадрат метр саҳнли замонавий уйлар қад кўтариб, ўсиш суръати 42 фоизни ташкил этди.

Шаҳар бўйича уй-жой қурилиши дастурининг бажарилишига етакчи бинокорлик ташкилотлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, уйсозлик комбинати жамоасининг улуши катта бўлди. Уйсозлар йиллик режани 105 фоиз қилиб бажардилар. Ҳаммаси бўлиб эса 40 минг 204 квадрат метр фойдали майдонга эга бўлган турар-жойларни қуриб битказишди. Уларда юзлаб олмалиқлик меҳнаткашлар оилалари уй тўйлари ўтказдилар.

«Алмаликсвинецс т р о й» тресті бинокорлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмадилар. Тўғри, уларнинг қурган уйлари нисбатан анча кам. Ҳаммаси бўлиб 7356 квадрат метрни ташкил этди. Лекин трест бунёдкорлари бу муҳим соҳа бўйича зиммаларига юклатилган вазифани беш фоиз ортиғи билан уддаладилар. Шу жиҳатдан уларнинг эришган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Шаҳардаги бу йирик бинокорлик ташкилотларининг жамоалари янги йилда ҳам кўпроқ уй-жойларни қўлдан чиқариш учун ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишламоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

## ИШ ҲАҚИ КЎПАЙМОҚДА

БИРИНЧИ цех «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи бўлинмаларидан бири ҳисобланади. Унинг жамоаси доим пешқадамлар сафида бўлмоқда. Трикотажчилар янги йилни ҳам дуруст бошлашди.

Сафига турли миллатга мансуб чеварларни бирлаштирган жамоа ўзининг байналмилаллиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Ҳамма аҳил оила аъзоларидек ҳалол ва фидокорона меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам меҳнат кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Ҳар куни қўшимча маҳсулот тайёрланяпти.

Цех илғорлари ҳақида сўз кетгудек бўлса биринчи навбатда опа-сингиллар Муяссар, Мовлуда, Муқаддас Файзиевалар, уларнинг касбдошлари Лидия Рогова, Ҳуррият Муҳаммадалиева, Фотима Зиёхонова, Карима Аҳмедоваларнинг номлари тилга олинади. Кўп жиҳатдан шу пешқадамларнинг фидокорлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори сифатини яхшилашда, тежамкорликда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ўтган йили тўрт тоннага яқин трикотаж толаси тежаб қолинган эди. Бу йил олий навга топширилаётган маҳсулот миқдори унинг жами ҳажмида нормадаги 88 ўрнига 97 фоизга етди. Унумли ва сифатли ишлаш туфайли ишчи-хизматчиларнинг маоши ҳам кўпаймоқда. Улар олаётган ўртача иш ҳақи 25 сўм атрофида кўпайди.

С. СУЛТОНОВ.

## «НАВРЎЗ ТАРОНАЛАРИ»— МОСКВАДА

Москва Давлат консерваториясининг катта концерт залида СССР бастакорларининг янги ёзилган асарларини эшитиш ниҳоясига етди. Бунда ҳамюртларимиз Ҳабибулла Раҳимовнинг «Дутор садоси» симфоник оркестр учун фантазияси, Тўлқин Қурбоновнинг «Аския», Рустам Абдуллаевнинг фортепьяно ва симфоник оркестр ижроси учун ёзилган «Наврўз тароналари»нинг иккинчи концерти тақдим этилганди.

Айниқса «Аския» мусиқашунос ва тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Бу мусиқада миллий жанр бўлиб, бошқа халқларда деярли учрамайди. Сўз ўйинлари, оммавий кулгилар, аскиябозларнинг тортишувлари, турли хил чолғу асбоблари ёрдамида жонли, ранг-баранг ифодаланганлиги тошабинларни хушнуд этди.

Рустам Абдуллаев кўрикка тақдим этган асарини Белоруссия ССР симфоник оркестри билан ҳамкорликда куйлади. Залда янграётган мусиқа тингловчи ҳаётида «Наврўз» кунлари табиатнинг уйғониши, гулларнинг очилиши, қушларнинг сайраши, халқ шодиёналари, урф-одатлари, уларнинг орзу-умидларини жонлантирди.

Ўтган куни Р. Абдуллаев Москвадан СССР мусиқа арбоблари кенгаши аъзоси, халқаро фондлар, кўрик ва фестиваллар совриндори, бастакор Юрий Самойлович Ольхадан телеграмма олди.

«Ҳамкасб, янги асарингиз менга ёқди. Айниқса топган деталларингизда замонавийлик, бетакрорлик, миллийлик яққол сезилиб туради. Рухсатингиз билан асарингизни Совет Иттифоқи ва чет эл саҳналарида ижро этмоқчиман. Кейинроқ грампластинкага ёздириш ниятим ҳам бор. «Наврўз тароналари»ни биринчи концерти билан қўшиб менга юборсангиз».

— Жўнатдингизми?— сўрадим Рустам акадан.

— Ҳа, юбормай бўладими,— деди у киши кулгига олиб.— Чет элликлар мусиқа асарларимиз орқали бўлса ҳам Шарқда шундай халқ ва уларнинг «Наврўз»и борлигини билиб қўйишса ёмон бўлмас.

«Наврўз тароналари» билан бир қаторда юқорида номлари зикр этилган асарлар ҳам иттифоқ телевидениеси ва радиосидан эшиттириш мақсадида ёзиб олинди.

И. ТОШЕВ.

## ЯРИМ БАҲОСИДА ВА ТЕКИН

Оҳангарон ноҳиясидаги Ворошилов номли шўро хўжалиги ўз ҳисобидаги 22 та уйни яшаб турган меҳнаткашларга уй нархининг ярим баҳосига сотди. Яъни ҳар бир хонадон ҳовлиси билан 1000—1500 сўмгача баҳоланди.

Хўжалик маъмурияти кенгаши Улуғ Ватан уруши ногиронларини ҳам эсдан чиқармади. Ғамхўрлик тариқасида Ҳабибулла Турматов, Турғун Ҳолиқовларга яшаш жойи текин берилди. Бундан ташқари, 38-мактаб ўқитувчилари Вазира Тўйчиева, Ҳолида Ҳамроева, Тўлқин Ҳожиқуловлар ҳам уй-жойга бепул эга бўлдилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

